Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
5 октябрь
ШАНБА
№ 80 (12612)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Пахта – 2013

**Пискент тумани пахта хом ашёси сотиш контрактация шартномасини барвақт бажариш учун курашда пешқадамлар сафида бормоқда. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Мустафо Дадиевнинг айтишича, кечаги кунгача шартнома мажбуриятларини қисқа муддатда бажариб, энди 40 центнерлик ҳосил учун курашаётган 25 дан зиёд фермер хўжаликлари терим суръатига қанот бағишлаяпти.**

## ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАЯПТИ



Бу пешқадамлар сафининг ҳам илғорлари бор. "Омад" фермер хўжалиги шундайлардан. 20 аъзонинг ҳаммаси С-6524 пахта нави агротехникасини обдон эгаллаган. Пахтазорга синчиклаб назар солсангиз гектарлардаги 100-110 минг туп ғўза гўё эгизаклардек: "бўй-басти" баравар, ҳосили бирдек шиғил, бир пайтда оппоқ бўлиб очилган. Терган сари тергингиз келади. Эгатнинг адоғига тезроқ етсам дейсиз-у, аммо лўппи-лўппи чаноқлар шу қадар кўпки, оёқ-қўлингизни боғлайди-ю, хирмонга барака киритади.

– Бошқа соҳалар майлику-я, пахтачиликда техника фермернинг ҳақиқий қаноти, – дейди олий маълумотли ҳосилот, "Омад"нинг раҳбари Олимжон Нуров. – Техникамиз бутлиги боис, ерни экишга тайёрлашдан тортиб, йиғим-теримгача бўлган даврда ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ва кўнглимиздагидек қилиб бажардик. 23,9 гектар майдондан беш кунда, яъни биринчи терим ҳали тугамай, 32 центнердан ҳосил олдик ва давлатга 76,6 тонна пахта сотиб, шартномани туманда биринчилардан бўлиб бажардик. Биринчи терим якунланганда ҳосилдорлик 42 центнерданга тўғри келди. Иккинчи теримга ҳали қўл урилгани йўқ. Мўлжалимизда бу йил ҳосилдорлик 50 центнердан ошади.

– Ҳосилнинг кўплиги маҳаллий бўш аҳолининг иштиёқини қўзғаб юборди, – дейди хўжалик аъзоси, кўп минг килограммчи теримчи Тамара Нурова. – Терим бошланган кундан 120 дан зиёд маҳаллий аҳоли ўз хоҳиши билан ёрдамга чиқди. Терган ҳар килограмм пахталарига кунига 176 сўмдан ҳақ тўланди. Бир маҳал бепул иссиқ овқат берилди.

"Омад"нинг бу йил ҳар жиҳатдан омади келди. Биринчи терим пахтанинг ҳаммаси биринчи навга сотилди. Кўриниб турибдики, даромад чакки бўлмайди.

**СУРАТДА:** фермер Олимжон Нуров.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Обод турмуш йили

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, партия фаоллари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С. Турсунов, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари С. Сайдалиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Мазкур давлат дастурида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шу йўналишдаги долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Фуқароларнинг мурожаати институти демократик жамиятнинг муҳим шартларидандир. Мамлакатимизда бу йўналишдаги ишлар Конституциямиз ва 2002 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун асосида тартибга солинмоқда.

Ушбу қонун меъёрларини ҳаётга тўла татбиқ этиш мақсадида республика бошқаруви ва ҳокимият органларининг барчасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ишлаб чиқилган, тегишли қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аҳолидан тушадиган мурожаатларни қабул қилиш бўлими фаолият юритмоқда, тиббиёт муассасаларида ишонч телефонлари ташкил этилган. Бу йўналишда интернет орқали интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Ана шу тизимлар орқали тушган ҳар бир мурожаат тегишли мутахассислар томонидан ўрганилиб, ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Айни пайтда мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва амалий ишлар кўламини кенгайтиришни давр тақозо этмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасида бир қатор янги меъёрлар ўз аксини топган. Қонунни татбиқ этиш доирасининг аниқ белгилангани, фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги ҳуқуқлари, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-қоидалари, электрон мурожаатнинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши ана шундай янгиликлардандир.

Тадбирда янги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

**Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.**

## ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Тошкентда 3 октябрь куни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш соҳасидаги илғор тажрибаларни алмашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий семинари бошланди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг офиси, Марказий Осиё қайта тикланадиган энергия манбалари минтақавий маркази ва Марказий Осиё минтақавий экология маркази томонидан ташкил қилинди. Икки кунлик семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик, идора, жамоат ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари, Ўзбекистон, Европа, Марказий Осиё мамлакатларидан олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К. Содиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б. Алихонов, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д. Сабо ва бошқалар айни пайтда Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида муайян тажриба тўпланганини таъкидлади. Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш кўламини кенгайтириш, ушбу йўналишдаги миллий бозор ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муқобил энергетикани янада ривожлантириш, бой табиий ресурсларни ўзлаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, муқобил энергия манбаларини қўллаш соҳасида илмий тажриба тадқиқотларини рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Энергетика соҳасида ресурс тежаш масаласи бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу энергия истеъмоли миқдори уни ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Газ, нефть, кўмир ва уран ҳамон асосий энергия манбалари бўлиб қолмоқда. Сўнгги 40 йилда қазиб олинган органик ёқилғи миқдори инсоният тарихида қазиб олинган миқдордан ошиб кетди. 1992 йил Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТ конференциясида қабул қилинган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларация ҳамда XXI аср кун тартиби барқарор тараққиёт концепциясига асос солди. Мазкур концепцияга мувофиқ энергетикани барқарор ривожлантириш талаблари ишлаб чиқилган. Шу боис қайта тикланадиган энергия манбалари – қуёш, шамол, биогаз, сув ва ер ости бойликларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Семинар кун тартибига қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, аҳоли пунктларини автоном (тизимлаштирилмаган) электр энергияси билан таъминлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини стандартлаштириш ва сертификатлаш билан боғлиқ масалалар киритилган. Иштирокчилар қайта тикланадиган энергия манбалари, қуёш ва шамол энергетикаси технологиялари соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини ҳам муҳокама этади.

Семинар якунида Марказий Осиёда қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги ишлар ва бу борадаги минтақавий ҳамкорликни янада кучайтиришга доир тавсиялар қабул қилинади.

**Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири.**

**Чирчиқ шаҳрида спортнинг оғир атлетика тури бўйича Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда етти мамлакатдан келган спортчилар иштирок этди.**

## ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Вилоятимиз вакили Рустам Раҳметов штангани даст кўтаришда 140 килограмм, силтаб кўтаришда 175 килограмм натижага эришиб, ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Йигирма ёшни қаршилаган зангиоталик Рустам Тошкент педагогика университетининг 2-босқич талабаси. Унинг нияти келгуси йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида ҳам ғолиб чиқиш.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўплаб соҳаларда ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган фаол сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида олий даражада ўтган музокаралар чоғида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ушбу тамойилларини алоҳида таъкидлади.**

Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётган расмий ҳужжатлардир.

Бугун Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўплаб йўналишларда ўзаро манфаатли муносабатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, икки мамлакат парламентлари ва ташқи сиёсат идоралари ўртасида, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой Халқ Вакиллари Мажлисининг Доимий қўмитаси томонидан Ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўпгина масалалар юзасидан ҳар икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига мос келади. Масалан, икки мамлакат Конституциясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи уйғун ривожланиш моделининг асоси сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон ва Хитой инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантиришда муайян ютуқларга эришди. Ўзбекистонда, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Омбудсман, ХХРда эса Хитой инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ҳамда Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармасини шундай институтлар сифатида қайд этиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Эҳтиром

## ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ, УСТОЗЛАР!

**Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда ҳар бир касб эгаси ўзининг фидокорона меҳнати билан қадр ва эъзозга, ҳурмату эътиборга сазовор. Шу кунларда касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликни танлаган устозлар байрами кенг нишонланмоқда.**

Чирчиқ шаҳрида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уларга атаб катта байрам тадбири уюштирилди.

Байрамона безатилган "Кимёгарлар" саройи гўзал, самимий, бахтдан кулиб турган ёруғ юзли чеҳралар билан янада файз-тароватли кўринади. Зеро, улар Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришдек олижаноб вазифани ўз зиммасига олган" меҳнати бебаҳо ўқитувчи, мураббий, устозлардир. Бу олижаноб касб эгалари таълим-тарбия соҳасидаги чуқур ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида "янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган" ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш ўзларининг бурчи эканини чуқур англайдиган фидойи инсонлар.

Уларнинг заҳматли меҳнатлари муносиб рағбат топаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Байрам арафасида ўқитувчилардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан мукофотланган ўқитувчиларимиз ҳам талайгина.

Байрам тадбирида сўзга чиққан вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов ўқитувчи ва мураббийларга мукофотларни топширар экан, келажаги буюк Ўзбекистоннинг баркамол, етук ёшларига таълим-тарбия беришдек масъулиятли, шарафли ишларига омад, куч-қувват, соғлик, омонлик тилади. Шунингдек, таниқли санъаткорлар, вилоятимизнинг иқтидорли хонанда ва созандалари, ёш истеъдодлар иштирокидаги байрам концерти фидойи меҳнат соҳибларига кўтаринки кайфият, ғурур ва ифтихор туйғуларини бахш этди.

– Бугун мен ўз касбимнинг шарафи, залвори, масъулиятини яна бир бор ҳис этдим, – дейди Бекобод саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, "Дўстлик" ордени нишондори Холмуҳаммат Мирзоқулов. – Юртбошимизнинг биз ўқитувчи, мураббийларга бўлган ишончи, эътибору рағбати ва ушбу ажойиб байрам тадбири кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бундан буён ҳам, келажагимиз ва ишончимиз бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган билимдон, ақлли, ҳар ишга қодир, лаёқатли ёшлар тарбияси учун астойдил меҳнат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Бизга бўлган ҳурмат, эътиборга жавобан муносиб хизматларимиз билан элимизни хушнуд этамиз деган ниятдаман.





**Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Маҳалла" жамоат фонди республика бошқаруви "Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.**

## ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН – МАҲАЛЛАМ

Тадбирда оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, умуминсоний фазилатларни кенг қарор топтириш борасида маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари миллий қадриятларни мустаҳкамлашда маҳалла ва оилаларнинг аҳамиятини ошириш, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда "Ота-оналар университетлари" фаолиятини такомиллаштириш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларга тўхталдилар.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Пахта – 2013

**Шу кунларда пахта йиғим-терими айни авжида. Миришкор деҳқонларимиз, фермерларимиз кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Зарифа Эралиева, Абдужаббор Сайдуллаев бошчилигида Бўка тумани "Кўкорол" фермер хўжалигига ташриф буюрган бир гуруҳ санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар теримчиларга кўтаринки кайфият бағишлашга астойдил ҳаракат қилишди. Ажойиб концерт дастури, тўкин дастурхон, совға-саломлар дала меҳнаткашларига завқ-шавқ, ғайрат-шижоат бахш этди.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАЛАДА

– "Маънавий рағбат кўнгилга қувват" эканига яна бир бор амин бўлдик, – дейди 418-отряд раҳбари Расулхон Баишев. – Теримчиларга эътибор, ҳурмат кўрсатиб, қўй сўйиб, ош дамлаган, совға-саломлари билан кўнглимизни кўтарган депутатларимизга раҳмат.

– Теримчиларимизнинг кайфияти кўтаринки, – дейди 405-отряд раҳбари Каримқул Эркабоев. – Бир кунда 9-10 тоннадан пахта топширяпмиз. "Ҳормасин"га келганлар ташрифидан руҳланиб, теримчилар янада ғайрат билан ишлашмоқда.

– Вилоятимиз аҳли ҳақиқий ватанпарвар, меҳнатсевар, кўп ишларга қодирлигини кўрсатишимиз, республикада ҳам энг илғор теримчилардан эканлигимизни исботлашимиз керак, – дейди 416-отряд раҳбари Абдуманноб Бошманов. – Ҳозир отрядимиз бир кунда 9-10 тонна ўрнига 11-12 тонна пахта теряпти. Бугунги ташриф эса теримчиларимизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

Табиат – қўриқхона

# БОРИНИ АСРАБ, ЙЎҒИНИ ЯРАТИБ...

**Оҳангарон ўрмон хўжалигининг Паркент бўлими Чотқол тоғ тизмаларидаги 21 минг 16 гектар ўрмонни қамраб олган. Ходимлар бор ўрмонзорлар ва ҳайвонот оламини сақлаш, янги турларни кўпайтириш билан шуғулланишади.**

– Ҳайвонлардан қўрқмасангиз, ўрмонимизда қўнғир айиқ, бўри, тулки, тўнғиз, тасқара, жайра, типратикан, бургут, илон, бўрсиқ, тоғ эчкиси, кийикларни яқиндан томоша қилишингиз мумкин, – дейди Асфариддин Сирожиддинов. – Ҳайвонларни ёввойи ва йиртқич деймиз, лекин яхши муносабатда бўлсангиз, улардан хавф йўқ, бекордан-бекорга йиртқичлик қилмайди. Ҳайвонлардаги зийракликни кўриб, баъзан ҳайрон қоламан. Бўлим ҳудудида сақланаётган 50 дан ортиқ ноёб ҳайвон турлари "Қизил китоб"га киритилган. Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Ўтган йили бу ерда 10 гектар ўрмон барпо этилди. 2,5 минг тупдан бодом, эман, ёнғоқ, 2 минг туп ўрик экилди. Бу йил эса, ўрмонлар яна кенгайди.

– Кейинги ойдан қиладиган ишларимиз янада кўпаяди, – дейди нозир Амирали Исматов. – Манзарали дарахтлар, заранг, арча экишимиз керак. Ҳайвонларни асраб қолиш учун биотехник тадбирларни кечиктирмай ўтказяпмиз. Қишки мавсумга тайёргарлик мақсадида ёз ойларида 20 тонна хашак ғамлаб қўйилди. Тошлоқ жойларга 400 килограмм буғдой сепилди. Бу ишларимиз натижасида ҳайвонлар тури 20-30 фоизга кўпайди.

Ўрмон хўжалиги ходимлари фақат шу ишлар билан чекланиб қолишмаяпти. Табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланаётганларга қарши чоралар кўриляпти. Сўнгги 3 йил ичида уларнинг 50 га яқини ушланиб, жазоланди.



Бўлимга қарашли 50 сотих кўчатхонада 6 хил манзарали дарахтлар етиштирилиб, ободонлаштириш билан шуғулланувчиларга шартнома асосида етказиляпти. Қрим қарағайи, қора арча, эман, япон сафораси, каштан керак бўлса, ташкилот ва муассасалар бемалол бўлимга мурожаат қилишлари мумкин.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** Асфариддин Сирожиддинов, Беҳзод Саидбоев, Жасур Ҳусанов кўчат экишмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси пахта толасини истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш, хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**

Ушбу нуфузли тадбирга тайёргарлик кўраётган "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси ҳам етиштирилган пахтани ўз вақтида, замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва ундан юқори сифатли тола олиш борасидаги ишларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси доирасида бир неча пахта тозалаш корхоналарида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди, – дейди "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Латипов. – Жумладан, Бўка пахта тозалаш заводи модернизация қилинди. Бу ерда барча қулайликларга эга маъмурий ва ишлаб чиқариш иншоотлари, омборхоналар ҳамда ёрдамчи хўжалик объектлари қурилди.

Бекобод тумани марказидаги Далварзин пахта тозалаш корхонаси тумандаги "Мавлонов" фермер хўжалиги ҳудудига кўчирилди. Заводнинг янги биносида пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва ишчилар учун барча қулай шароитлар яратилди.

Алимкент, Бўка, Қорасув, Далварзин пахта тозалаш заводларининг тола ва момиқ ажратиш ускуналари янгиланди. Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларидаги пахта тозалаш корхоналари талаб даражасига келтирилди. Мазкур корхоналарга пахта хом ашёсини қуритадиган, тозалайдиган, толани чигитдан ажратадиган энг замонавий қурилма ва ускуналар ўрнатилди. Пахта толасини тойлаш, тойлардан намуна олиш, уларни ўраш, тикиш, вазнини ўлчаш ва тамға босиш операциялари автоматик тарзда бошқариладиган тизим йўлга қўйилди.

Модернизация давомида ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, тайёр маҳсулотлар омбори, лаборатория ва тарозихоналар таъмирланиб, жиҳозланди. Ишчилар учун кийиниш, ювиниш, дам олиш, тиббий хизмат хоналари қурилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш депоси ва сув тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

Бу ишлар натижасида пахтани қайта ишлаш сарф-харажатлари камайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, меҳнат унумдорлиги юксалди. Пахтадан тола олиш механизми такомиллашди.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

**Паркент туманида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси доирасида ўтказилган танловнинг республика босқичида "Энг кўп ишчи ўрни ташкил этган тадбиркор" номинациясида ғолибликни қўлга киритган Гулбаҳор Руҳиддинова танловнинг имтиёзли кредити билан тақдирланди.**

# КРЕДИТГА ТИКУВ ЦЕХИ

Айни кунларда унинг ташаббуси билан ташкил этилган "Баҳор илҳомлари" тикув цехида 20 нафар маҳаллий ёшлар ва коллеж битирувчилари меҳнат қилмоқда. Гулбаҳор имтиёзли кредит ҳисобидан цехни кенгайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

**Шаҳло ИСАЕВА.**

Таҳририятга мактуб

**Касб тақозоси билан туманимизнинг турли масканларига бориб тураман. Вилоятимизнинг энг катта туманларидан бири Оҳангарон табиати жуда истарали, пасттекисликлардан бошланувчи қир-адирлар бутун ҳудуд бўйлаб пурвиқор тоғлар сари юксалиб бораверади...**

# ШОВҒОЗСОЙ ТОМОНЛАРДА...

Яқинда чекка қишлоқлардан бири – тоғли Шовғозсойга йўлим тушди. Туман марказидан бошланиб, нари борса 25-30 километрли йўл унчалигам узоқ масофа эмас. Лекин, марказдан 15 километр юриб, Оҳангарон дарёсидан Телов қишлоғига солинган кўприкдан ўтган заҳотингиз, табиат манзаралари кескин ўзгарганини сезасиз. Равон кўчалару дарахтзор-экинзорлар ўрнини янада хушманзара кўринишлар эгаллай боради. Афсуски, йўл ўнқир-чўнқир бўлгани учун автомашина секинлаб юра бошлайди. Чунки, Телов, Сусам қишлоқларининг йўллари анчадан буён таъмирталаб. Тегишли ташкилотлар нималардир қилаётган бўлсада, афтидан уларнинг ички имкониятлари бу йўлларни равон қилиб қўйишга етмаётгандир. Хуллас, Шовғозсойгача бўлган 25-30 километр йўлни бир соат атрофида босиб ўтишга тўғри келди.

Қишлоқнинг юқорироқ қисмида баланд тепаликлар бағрида сой бўйлаб кўплаб аҳоли уйлари жойлашган. Улардан бирига хизмат юзасидан ташриф буюрдим. Хонадон соҳиби Ҳайдар билан оиласи, ишлари, ҳаёти ҳақида бафуржа суҳбатлашдик.

– Қишлоғимиз қадимдан маълум, – дейди йигит. – Бу ерда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз қадами етган муқаддас қадамжолар ҳам талайгина. Қишлоқнинг жануби-ғарбидаги тепаликни кўраяпсизми, у ерда улкан харсанг тошлар муаллақ тургандай кўзга ташланади. Шу тошларнинг энг юқорисида машҳур ёзувчимиз Ойбек домла ёзгандай "виқорла ўшшайган қоя лабида" кўкка бўй чўзган бир қатранғи дарахт бўларди. Унинг неча ёшдалигини қишлоқдаги энг кекса отахон-онахонлар ҳам аниқ билишмасди. Менга 3-4 асрдан буён тургандай туюларди. Узоқ жойлардан уйимизга қайтаётганда, энг биринчи шу дарахтга кўзимиз тушиб, хурсанд бўлиб кетардик. Кимдир билибми-билмайми, шу дарахтни кесиб ташлабди. Буни қарангки, ўша одам кўп ўтмай, оёқ-қўли ишламай, шол бўлиб қолибди. Демак, она табиатнинг биз билган-билмаган сир-синоатлари, муқаддас қонунлари ҳам борлигини унутмаслигимиз керакка ўхшайди...

Оддий қишлоқ кишисининг бу гапларига беихтиёр қойил қоласиз. Ҳа, қишлоқнинг ҳам ўзига ярашган сўлим манзаралари бисёр, шу билан бирга муаммолари ҳам йўқ эмас.

Шовғозсой туманимиз ва вилоятимиздаги табиий газ етиб бормаган саноқли қишлоқлардан бири бўлиб қоляпти, балки аҳолининг орзуси яқин келажакда амалга ошиб қолар.

Қишлоқдаги барча сувли ва сувсиз дала, ўтлоқлар фермер хўжаликларига бўлиб берилган. Ҳайдар шундай хўжаликларнинг молларини боқиб, тирикчилик қилар экан. Ишлаган ҳақини олиб туради-ю, лекин меҳнат дафтарчаси юритиш, пенсия учун иш стажи масалалари билан қизиқишга ҳафсала қилмаган кўринади. Унга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бердик.

Қишлоқдаги уйларга, жамоат биноларига разм соламан... Асосан пахса, синч деворли уй-жойлар, бетонли, ғиштдан қурилганлари ҳам бор. Ичимлик суви – шифобахш булоқлардан. Эътиборлиси, Шовғозсойда экинзорлар кўп. Бу ерларда чорва молларини бемалол боқиш учун ем-хашакни керагича етиштириш, ўриб-йиғиб, қишга ҳам ғамлаб қўйиш мумкин.

– Асосий озиқ-овқатларни бир йиллик қилиб ғамлаб қўямиз, янаги буғдой пишиғигача бемалол етади, – дейди у, – айрим муаммоларга қарамай, қишлоғимиз биз учун жаннатдай гап. Чунки биздан атиги 10-20 километр нари – чегара ортидаги тожик қишлоқлари шароитларига қараганда, биздаги ҳаёт анча фаровон ва хотиржам эканини яхши тушунамиз. Муаммолар ҳам аста-секин ҳал этилишига ишонамиз...

Шовғозсойдан ана шундай таассуротлар билан қайтдим. Қаердаки ҳуқуқ ва бурчларни мутаносибликда ушлашга ҳаракат қилинса, ўша ерда ривожланиш ва тараққиёт тўхтамайди.

**Фазлиддин ПАРДАЕВ, ҳуқуқшунос.**

Хўжасизлик



**Сиз суратларда кўриб турган ташландиқ бино Бекобод туманининг кўздан йироқ чекка ҳудудида эмас, туман маркази Зафар шаҳарчасининг биқинида, "Тошкент – Бекобод" автотрассасининг ёқасида. Айтишларига қараганда, бу бино бир вақтлар "Далварзин" хўжалигининг Бобохон Отахонов бошлиқ бригадаси дала шийпони бўлган. Кейинчалик у хусусийлаштирилиб, кимлардир бу ерда чойхона очган ва маълум муддат халққа хизмат кўрсатган.**

# «ШИЙПОН»НИНГ ЭГАСИ КИМ?



Афсуски, охирги 3-4 йил ичида бу ерга ҳеч ким қадам ранжида қилмаган кўринади. Акс ҳолда деворлари кўчиб, эшик-деразалари синиб, ичкари ва ташқариси чиқиндихонага айланиб, нохуш манзара касб этмаган бўларди. Атрофи дарахтлар билан ўралган, хушманзара маскан, аҳолига фойдаси тегиши мумкин бўлган иншоот нега бу аҳволга тушди? Унинг эгаси борми? Бу "ўлик капитал" учун ким жавоб беради?

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ИЛҒОР ТИББИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Тошкентда "UZMEDEXPO – 2013" VI Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" ДАК, "Дори-Дармон" ДАК, хорижий фармацевтика компанияларининг ваколатхоналарининг ва ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ассоциацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика Савдо-саноат палатаси расмий кўмагида ташкил этилди.

Кўргазма муносабати билан "Ўзэкспомарказ" майдонида Ўзбекистон, Россия, Украина, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Италия, Германия, Покистон, Швейцария компаниялари ўзининг тиббиёт техникаси, ташҳис, стоматология, лаборатория ускуналари, фармацевтика дори-дармон воситаларини намойиш этишди.

Шунингдек, кўргазманинг гўзаллик ва саломатликка оид бўлимларида пардоз ва гигиена воситалари қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш лозимки, "UZMEDEXPO – 2013" VI Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасида бу йил илк бор Хитой, Туркия, Швейцария, Покистон ва Ҳиндистоннинг машҳур тиббиёт воситалари, стоматология ускуналари ва материаллари ишлаб чиқарувчи компаниялари ташриф буюргани эътиборга лойиқдир. Ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси ташҳис қўйиш ва даволаш соҳасидаги кенг кўламли маҳсулотлар ва хизматлар, шунингдек, тиббиётга оид энг янги ахборот технологиялари намуналари билан танишиш, мамлакатимизга илғор хорижий ишланмаларни жалб этиш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ютуқларини кенг намойиш этиш ва баҳолаш имкониятини яратади.

"UZMEDEXPO – 2013" VI Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасининг ўтказилиши нафақат хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, самарали муносабатларини йўлга қўйиш, мутахассисларни тиббиёт соҳасидаги энг янги ютуқлар билан таништириш, балки мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш мақсадида ўтказилаётган кенг кўламли тадбирларга ўз ҳиссасини қўшади.

**"Туркистон-пресс".**

Ҳуқуқий дарсхона

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПОЙДЕВОРИ

**Юртимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларидаги сингари таълим тизимини чуқур ва мукаммал ислоҳ қилиш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Мазкур жараён Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўтказилаётгани ҳаммага маълум.**

Республика Президентининг "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Ушбу ҳужжатда келгусида давлат таълим тизимининг бошқа йўналишлари сингари ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам ўқув жараёнини халқаро таълим андозаларига мослаштириш, соҳага етук, юксак малакали мутахассислар етказиб бериш кўзда тутилган. Чунки замонавий билим ва дунёқарашга эга, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган юқори салоҳиятли ҳуқуқшунос мутахассисларга талаб бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юқори. Шу боис, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳуқуқ тизими учун муайян соҳалар бўйича юқори салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига мувофиқ, Адлия вазирлигининг таклифига биноан республикамизда олий маълумотли ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрловчи ягона марказ сифатида Тошкент давлат юридик университети ташкил этилган. Мазкур муассасанинг таркибий тузилиши ва фаолият йўналишлари ҳам давр талабларидан келиб чиқиб ислоҳ қилинди. Университетнинг фаолият йўналишлари давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро ва халқаро тижорат мутахассисликларига ажратилгани келажакда республикамизда ҳуқуқ тизими фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юксак савиядаги ҳуқуқий таълим ва илмий муҳитни жорий этмай туриб, замонавий талаб даражасидаги мутахассисларни тайёрлаб бўлмайди. Қайта ташкил этилган, ҳуқуқшунослик йўналишини марказлаштиришга мўлжалланган ТДЮУда аввалдан ишлаб келаётган ва олий таълимдан кейинги таълим босқичида таҳсил олаётган ҳамда мазкур даргоҳда илмий ва амалий меҳнат қилиш истагини билдирган мутахассисларни республика Бош прокурори раислигидаги аттестация гуруҳи бир неча босқичли танлов асосида синовдан ўтказаётгани ҳам юқоридаги қарорнинг нечоғли долзарблигини кўрсатади.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг олий мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Шундай экан, Президентимизнинг "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида қайта ташкил этилган муассаса ва ўқув жараёнида таҳсил олган талабалар келажакда ўзлаштирган билим ва малакаларини меҳнат фаолиятларида қўллаб, жамиятда ҳуқуқий онгнинг ўсишига катта ҳисса қўшадилар. Ҳуқуқий онгнинг юксалиши жамиятда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлайди.

ТДЮУда юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш жараёнининг бевосита иштирокчиси сифатида таъкидламоқчиманки, истиқболдаги режалар, амалга оширилаётган тадбирлар ва ислоҳотлар фуқаролик жамиятини шакллантиришдек юксак мақсадни амалга оширишга мустаҳкам замин бўла олади.

**У. АБДУРАҲМОНОВ, ТДЮУ ўқитувчиси.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатларимиз Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга катта эътибор қаратмоқда. Барча жабҳаларда бевосита инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ҳар икки давлат ҳукуматлари фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришишга йўналтирилган қатор чора-тадбир ҳамда дастурларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Хитой томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган миллий ҳаракат режаси Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури каби тегишли халқаро ҳужжатлар қоидасига тўлиқ мос келади. Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилиб, уни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон ва Хитойда инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ташкил қилиш, жумладан, давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўқитиш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳар икки мамлакат БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, бошқа халқаро органлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, шунингдек, шу мавзудаги Универсал даврий шарҳлар доирасида тегишли миллий маърузаларни тақдим этмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг 2008 йилдан буён инсон ҳуқуқларини ривожлантириш моделини топиш ва бу борада тажриба алмашиш учун муҳим майдонга айланган инсон ҳуқуқлари бўйича Пекин форумларида иштирок этиб келаётгани мамлакатларимиз ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол ва изчил мулоқот амалга оширилаётганининг тасдиғидир. Ҳар йили ушбу тадбирларда дунёнинг ўттиздан зиёд давлати ва халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТнинг юз нафардан ортиқ вакили қатнашмоқда.

2013 йил сентябрь ойида ўтган Олтинчи Пекин форуми доирасида Хитой инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида Ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди. Шу тариқа Ўзбекистон Хитой билан инсон ҳуқуқлари соҳасида шундай меморандумни имзолаган дастлабки давлат бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг сўзларига кўра, ушбу меморандумда қатор ҳамкорлик йўналишлари кўзда тутилган. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича қонун ҳужжатлари ва ахборот-таҳлил материаллари алмашиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш, давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга бағишланган қўшма тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

**Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.**

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

**Оҳангарон воҳасининг ноёб ёдгорликлари ҳақида тинимсиз ва чарчаш билмай ҳикоя қилиш мумкин. Зеро, у шу қадар тилсимли ва табиати ҳайратомуз даражада уйғунлашган ҳудуд. Воҳа бу ерда яшаб ўтган халқларнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва мустаҳкам садоқатини асрлар оша ўз бағрида асраб келаяпти.**

# ҚОРАБОҒЛИК КОИНОТ ОДАМИ

Ўлкамизнинг гўзал маданий мероси катта машаққатлар билан битта-битта йиғиб, тўпланмоқда. Ушбу хайрли ишни шу заминнинг энг фидойи ўғил-қизлари: ёзувчилар, тарихчилар, чарчоқ билмас саргузашт изловчилар ва зоҳидлар бажаришяпти. Оҳангарон воҳасининг ранго-ранг маданий мерослари шу гўзал масканда туғилиб ўсган Мўмин Қаюмов, Исомиддин Ёрматов, Акром Аъзамов, Абдумалик Раззоқов, Абдурашид Ҳасанов каби кўплаб қалам соҳиблари исм-шарифларини абадийликка дахлдор этди. Зеро, улар ўзлари яшаётган она заминга чин садоқат ва меҳр-муҳаббатларини асарлари орқали изҳор этишган.

Ўйлаймизки, бу гўзал воҳада ҳали кўплаб ажойиб тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар дунёга келадилар ва кўҳна маданиятимиз хазинасини янада бойитадилар. Улардан аввалги авлодлар эса, руҳий онг ва юксак фуқаролик бурчи масаласида ҳамиша ибрат ва намуна манбаи бўлиб қоладилар. Зеро, ушбу "биринчи"лар ва уларнинг қадимий Илоқ (Оҳангарон воҳаси)нинг кўҳна тарихини ўрганишдаги хизматлари беқиёс. Худди шунингдек, кўпчилиги ҳозир орамизда йўқ археолог ва ўлкашуносларнинг ушбу минтақани ўрганишга қўшган ҳиссалари ҳам унутилмасдир. М. Массон, Т. Аъзамхўжаев, В. Нильсен, М. Қосимов, О. Ростовцев, Ю. Буряков – булар илмий ўлкашуносликнинг униб-ўсаётган ёш давомчилари учун қудратли билим пойдеворлари.

Биз ушбу туркум мақолалар учун танлаган рукнимиз остида кўплаб тарихий қишлоқ ҳамда ноёб ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилдик. Бугунги ҳикоямиз эса, Оҳангаронга туташ Қорабоғ қишлоғидаги яна бир ҳайратомуз муқаддас жой ҳақида.



Бу жойларда ўтган асрнинг 60-йилларида Чотқол-Қурама археология отряди ходимлари ишлашган. Қорабоғ қишлоғининг шимолий қисмида, Қорабоғсойнинг ўрта оқимида қадимий металл эритиш пунктлари қолдиқлари топилди. Эрамизнинг IX-X асрларида бу жойларда яримметалл рудалар қазиб чиқариш билан шуғулланилган. Археологлар билан бирга бу ерда Шимолий-Қурама геология-қидирув экспедицияси мутахассислари ҳам ишлашган. Маҳаллий мутахассислар ишлаб чиқарган маҳсулотлар асосан бойитилган металл симлардан иборат бўлиб, таркибида кўп миқдорда кумуш борлиги аниқланган.

Гўшсой ва Қорабоғсой сувлари айрилишида, Самарчуғ қишлоғининг шимолроғида археологлар қадимий конни ўргандилар. Бу ерда вертикал ҳамда очиқ усулда ишланган руда қолдиқлари топилди. Улар таркибида олтин бўлган. Бир сўз билан айтганда, бу жойлар жуда бой бўлиб, масалага нуқта қўйишга ҳали эрта. Балки, келажакда янги-янги ашё ва далиллар топилар, улар минтақа тарихи ҳақида янада тўлароқ маълумот ва тасаввурга эга бўлиш имконини берар.

Қорабоғ қишлоғининг қоқ ўртасида бир муқаддас қадамжо борки, халқ бир неча ўнйилликлар давомида унга эҳтиром кўрсатиб келади. Бу – Улуғсоғ бува. Дарвоқе, унинг яна битта номи бор – Улуғ Исҳоқ бува. Аммо, қорабоғликлар Улуғсоғ бува деб аташади.

Бугунги кунда бу жой – соя-салқин, ҳузурбахш. Баҳайбат тут дарахти салобат тўкиб туради. Ўртада маҳобатли, аммо камтарона қабр. Бу жой доимо тинч, сокин. Бугун бу ерга дафн этилган буюк ва табаррук зот ҳақида ҳеч ким тўла-тўкис ҳикоя қилиб беролмайди. Зеро, у яшаган даврдан буён жуда кўп вақт ўтган. Бироқ, Қорабоғнинг ёш зоҳидлари бу муқаддас жойни қайта тиклаш ва авайлаб-асрашни исташяпти.

... Бу хийла узоқ ўтмишда содир бўлган. Яссавий тариқатининг сўфийлик жамияти асосчиси Ҳожа Аҳмад Яссавий кўплаб шогирдлари зиммасига ёруғлик ва эзгулик уруғларини сочиш вазифасини юклаб, турли шаҳар ва қишлоқларга жўнатди. Шогирдлар авлоди алмашди, аммо устозлар иши давом этди. Кўплаб шуҳрат топган шогирдлар, буюк устозларга айланишиб, Тошкент воҳасининг бепоён кенгликларида мангуга макон топдилар: Зангиота, Шоабдумаликота, Увакота, Бувраота, Пистали бобо ва бошқалар. Уларнинг издошлари олис-олис жойларни, одамлар қийналиб яшаган, турли тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиб ўтишга куч топишнинг иложи бўлмаган ҳудудларни танладилар.

Шу тариқа Қорабоғда табиб ва ҳофиз, дарвеш Исҳоқ ота пайдо бўлди. Одамларни, ҳатто ҳайвонларни даволашга киришди. Сойларнинг ўзани қурий бошлагач, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам қийин аҳволда қолдилар. Шунда авлиё узоқ ибодат қилди ва булоқ очди. Суви ҳар қандай мевадан, ҳатто асалдан ҳам тотли эди. Ва яна одамларга куч-қувват бериб, ҳаётга қайтарарди.

Авлиё ибодат қилган жойда эса тут дарахти ўсиб чиқди (у ҳозир ҳам мева бераяпти). Яраланган ҳайвонлар борки, унинг пойига келиб, дардларидан фориғ бўлганлар. Исҳоқ ота одамларни табиатни севишга, ҳайвону қушларга, ҳатто қурт-қумурсқага ҳам озор етказмасликка ўргатди. Хуллас, у ўзидан кўп хайрли ишлар қолдирди. Ҳаётдан кўз юмганида, у билан хайрлашиш учун нафақат тумонат одам, балки теварак-атрофдаги бор ҳайвонлару қушлар, судралувчилар ҳам келишди. Ҳайвонот оламининг бундай ташрифи бугунги кунда ҳам давом этаяпти. Улар дунёдаги энг эзгу ниятли инсондан миннатдор бўлишиб, ўзларича сиғинадилар. Эзгуликнинг буюк ғояси ушбу авлиё тимсолида яшаб келмоқда. Шу боис уни Улуғсоғ бува деб атадилар. Зеро, у буюк эди, бутун вужуди ва қалби билан соғломлик рамзи эди, ҳамма учун падар ва устоз эди.

Ушбу йирик қабрга Улуғсоғ буванинг ўзи ҳамда ўзидан аввал ўтган уч аждоди дафн этилган. Бу ерда яна тўртта қабр бор. Жами саккиз авлиё шу ерда мангу ором топган. Улуғсоғ бува – уларнинг сўнгиси.

Қачонлардир тут ёнидан йўл ўтган эди, у сой бўйига олиб тушарди. Дарё соҳили бўйлаб зиёратчи ва карвонларга аталган ўтов ҳамда уйлар саф тортганди. Бугун манзара ўзгача, ҳаммаси ўзгарган. Қорабоғ воҳадаги энг гўзал қишлоқлардан бирига айланди. Бугунги кунгача фақат кўҳна масжид биносигина сақланиб қолган. У XIX асрда қурилган. Бир пайтлар колхоз идораси ва қишлоқ клуби вазифаларини ҳам ўтаган. Энди эса уни бутунлай қайта қуриб, "Улуғсоғ бува" мажмуасини барпо этиш зарур. Қорабоғ аҳли шуни жуда-жуда исташяпти. Бу маҳаллий аҳолининг руҳияти ва саломатлиги учун ҳам керак. Зеро, ҳам руҳан, ҳам жисман соғлом бўлиш – инсон учун уйғунлик, мукаммаллик шарти. Табиатни севадиган улуғ зотлар ўзлари ҳам унинг бир зарраси эканликларини англайдилар ва яхши тушунадилар.

Бургутнинг самодаги парвози, одамлардан ҳуркиб қочаётган кийик, инсон нигоҳидан яшириниш илинжида судралиб бораётган илон – буларнинг ҳаммаси буюк табиатдаги воқеликдир. Табиат бизни она заминнинг ҳақиқий фуқаролари, унинг содиқ фарзандлари бўлишга ўргатади. Худди бир пайтлар Қорабоғ қишлоғилик коинот кишиси бўлган Улуғсоғ бувадек.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

## ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 20449/10-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган ишлаб чиқариш цехи биноси. Бошланғич баҳоси – 386 640 000 сўм бўлган мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ташкилотлари, кредит бюролари фаолиятини лицензиялаш ҳамда банклар ва кредит бюроларини рўйхатга олиш комиссиясининг 2013 йил 18 сентябрдаги 30/1-сонли Қарорига асосан, чет эл капитали иштирокидаги "SAVDOGAR" очиқ акциядорлик тижорат банки Келес филиали **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К. Ғофуров кўчаси, 8-уйда қабул қилинади.

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272– ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар белгиланган. Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирилади. Шундай экан мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 25 сентябрдаги 56-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги: Тошкент вилоятидаги "INFINITY TRANS GROUP" МЧЖга тегишли: – "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 10 март куни берилган, 2012 йил 25 декабрда юридик манзили ўзгарганлиги сабабли қайта расмийлаштирилган "АТ" серияли 000605-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 26 сентябрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.**

MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

**Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.**

| | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370 233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +99890 123-69-71 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +99890 9592863 |
| Бекобод туман филиали: | +99890 167-43-27 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +99893 527-74-53 |
| Зангиота туман филиали: | +99890 976-47-93 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +99891 787-23-53 |
| Оҳангарон туман филиали: | +99893 508-22-99 |
| Ўртачирчиқ туман филиали: | 8-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 8-370-71-64-617 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +99890 125-99-07 |
| Пискент туман филиали: | +99893 619-77-33 |
| Қибрай туман филиали: | +99893 613-83-16 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |
| Паркент туман филиали: | +99890 125-99-07 |

**ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ**

Гувоҳнома № 000690

### ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йилнинг IV чораги учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга қайта танлов эълон қилади:**

| |
|---|
| **1. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)** |
| **2. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олий навли)** |
| **3. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)** |
| **4. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)** |
| **5. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)** |
| **6. Бодринг янги узилган** |
| **7. Саримсоқпиёз** |
| **8. Тарвуз** |
| **9. Редиска** |
| **10. Қовоқ** |
| **11. Қуритилган мевалар** |
| **12. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)** |
| **13. Картошка** |

| |
|---|
| **1. Маргарин (ГОСТ-240-85)** |
| **2. Шоколад (ГОСТ 6534-89)** |
| **3. Конфетлар (ГОСТ-4570-93), (O'zDSt 437:2006) (ГОСТ-6477-93)** |
| **4. Мураббо (ГОСТ-7061-88)** |
| **5. Кофе табиий (эрувчан) (ГОСТ-291 48-2003)** |
| **6. Горчица кукуни (TSH 64-16965647-02:2007) (TSH 64-19660957-01:2007) (TSH 64-19396006-03:2008) (TSH 64-21158662-03:2008)** |
| **7. Гармдори қора (қизил) (ГОСТ 29045-91), (29053-93)** |
| **8. Лавр барги (ГОСТ 17594-81)** |
| **9. Уксус эссенцияси (TSH 6.1-00203849-08:2004)** |

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 10 октябрь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим:
– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2013 йил 11 октябрь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11.**




Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, Чилонзор-10-31-63 манзилида жойлашган "BAXTIYOR MOBILE" (ИНН 302453147) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (асос: жамият якка таъсисчисининг қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 915-67-07 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 12 мартда 54/1358 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RAVSHANBEK KAMRONBEK FAYZ" (ИНН 301542836) хусусий фирмасига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, А. Фитрат кўчаси, 19-А уйда жойлашган "AZIYA VULKAN" (ИНН 302320906) МЧЖнинг устав жамғармаси 53 412 000 сўмдан 43 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: (+99890) 966-11-91.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 04.10.2005 йилда 001056-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "UNIMAX" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "PARKENT INVEST TRADE" (ИНН 301390425, ОКОНХ 71280, ОКПО 23073869), гувохнома № 005209-04 от 02.12.2009 г., зарегистрированное ИРСП хокимията М. Улугбекского района г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Паркентская, 131, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решения № 1 от 30.09.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "WOOD ARTS INVEST" (ИНН 301709784, ОКОНХ 15271), зарегистрированное ИРСП Зангиотинского района Ташкентской области (регистр. № 442 от 16.02.2011г.) сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 068 951 819,60 сум до 273 621 872 сум.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 12 мартда 54/1358 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RAVSHANBEK KAMRONBEK FAYZ" (ИНН 301542836) хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 2013 йил 1 октябрдаги 1-сонли қарор).

Даъволар Оққўрғон шаҳри, А. Қодирий кўчаси манзили бўйича ҳамда (+99890) 979-90-52 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"AGENT ACTIVE" МЧЖнинг устав жамғармаси 34 000 000 (ўттиз тўрт миллион) сўмдан 6 000 000 (олти миллион) сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 310-72-74 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 27 январда 000688-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KREPEJPLUS" (ИНН 300865885) МЧЖнинг устав жамғармаси 317 090 250 сўмдан 203 435 176 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳкўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети томонидан 2005 йилда Саидсултонова Нодира Рашидовна номига берилган В № 229727 рақамли бакалавр диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2012 йил 31 октябрда 008314-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SILVER MEAL GROUP" (ИНН 302411959) МЧЖнинг устав жамғармаси 30 000 000 сўмдан 3 700 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар Чилонзор тумани, Чўлдарахт кўчаси, 66-уйда қабул қилинади.

ООО "NEFT MAHSULOT BIZNES" (ИНН 301822320) , зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 960 000 000 сум до 160 000 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 235-83-92.

Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Ходжаева Раъно Бахромовна номига берилган К № 3185528 (рўйхат рақами № 20) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманидаги "TRANS TRADE LOGISTICS" шўъба корхонасининг устав жамғармаси 63 458 559 сўм 20 тийиндан 49 625 225 сўм 80 тийинга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "YOSH FUTBOLCHI LAZZAT" хусусий корхонаси Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "YOSH FUDBOLCHI QANDOLAT" хусусий корхонаси таркибига бирлашишини ҳамда "YOSH FUTBOLCHI QANDOLAT" масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилади.

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 13 декабрда № 006147-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ASIA PACK" (ИНН 303438820) МЧЖ Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 24 июнда № 005307-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GLOBAL INVEST INC" (ИНН 206153837) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлашишини ҳамда "ASIA PACK" МЧЖ ҳуқуқий вориси ҳисобланишини маълум қилади (асос: 2013 йил 2 октябрдаги 3-сонли баённома).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 256-08-39 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Гимнастика

# НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали маълумотларига кўра, бугунги кунда вилоятимиз шаҳар ва туманларида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 226 мингдан ортиқ бола спорт билан доимий шуғулланмоқда. Бевосита давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва тавсиялари билан болалар, хусусан хотин-қизлар спортини ривожлантириш, гимнастика спорт турларига қизларни кенг жалб этиш ҳамда бадиий гимнастикани янада оммавийлаштириш чоралари кўрилаяпти. Бу вазифани амалга оширишда Ўзбекистон гимнастика федерацияси хизмати катта.**

Федерациянинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан жойларда, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам бадиий гимнастика секциялари ташкил этилмоқда ва кўплаб қизлар ушбу спорт тури билан шуғулланмоқда. Жумладан, вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги 124 та бадиий гимнастика секциясида 3219 дан ортиқ, шунингдек, спорт гимнастикаси, умумий гимнастика ва спорт акробатикаси секцияларида мингга яқин қизлар мунтазам қатнашмоқда. Сўнгги бир йилда вилоятда ушбу спорт тури билан шуғулланаётган қизлар 620 нафарга кўпайиб, 4218 нафарга етди.

Бунга эришишда Ўзбекистон гимнастика федерацияси вилоят бўлими бадиий гимнастика, спорт акробатикаси секцияларидаги шарт-шароитларни ўрганиб чиқиб, шуғулланувчиларни махсус инвентар ва кийим-бош билан таъминлаётгани, тажрибали мураббийларни жалб этаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шу орқали вилоят терма жамоасининг республика чемпионати ва халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этишига эришилмоқда.





Янгийўллик ёш гимнастикачи Динора Йўлдошева шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлар чемпионатида 1-ўринни эгаллади. Навоий шаҳрида ўтказилган ўсмирлар республика очиқ чемпионатида вилоятимиздан беш нафар қиз умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни қўлга киритди. Апрель ойида пойтахтда ўтган спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон чемпионатида вилоят терма жамоаси умумжамоа ҳисобида кумуш медаль билан тақдирланди. Умуман, 2013 йилда республика чемпионати, Ўзбекистон кубоги ва халқаро мусобақаларда вилоятимиздан 30 дан ортиқ ёш спортчи қизлар иштирок этиб, кўпчилиги совринли ўринларни қўлга киритишди.

– Вилоятимизда қизлар ўртасида бадиий гимнастика энг оммавий спорт турига айланиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон гимнастика федерацияси вилоят бўлими раиси Нафиса Турғунова. – Шаҳар ва туманларда ўтказилаётган анъанавий мусобақалар қизларимизнинг қизиқишларини оширибгина қолмай, маҳоратларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Спорт соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу йўналишда болалар спорти ва жойларда янги-янги спорт иншоотлари барпо этилаётганининг самарасидир.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Китоб жавонингизга

**Вилоятимиз адабий муҳитида ўз сўзи, ўз ўрни бор ижодкорлардан бири шоир, журналист Карим Мавлон ҳақида ёзар эканмиз, беихтиёр унинг камтарин, камсуқум, самимий чеҳраси кўз олдимизда намоён бўлади. Узоқ йиллар матбуот, жамоат ва ўзини ўзи бошқариш идораларида фаолият юритган Карим Мавлонов матбуотни, шеъриятни чин дилдан эъзозлайди. Ватанига, юртига меҳр-муҳаббати бедор қалбдан чиққан наволарга эш.**




# ОЛТИН БЕШИК АЛЁРЛАРИ

Унинг "Тонглар оппоқ, туйғулар оппоқ", "Қишлоғим кишилари" каби шеърий тўпламлари мухлисларга яхши таниш. Яқинда шоирнинг "Олтин бешигим" номли янги шеърий тўплами чоп этилди.

Шоир Иқбол Мирзо "Олтин бешигим" муаллифи ҳақида шундай дейди: "Ижодкорнинг шеърларини ўқиб, одамнинг яшашга иштиёқи ортади. Айрим сентиментализм уфуриб турган машқлар олдида Карим Мавлон ижоди ўқувчида меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиради, ўстиради. У кишининг шеърларида жимжимадорлик, совуқ ҳашам кўринмайди. Кўрганини тасвирлайди, ўйлаганини ёзади".

Яъни сунъийликдан йироқ, самимий дил изҳорларида аввало туғилиб ўсган замини, она Ватани, ота-она, қавм-қариндош, дўст-ёрларига бўлган беқиёс меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари акс этиб туради. Ватан ишқида ёнган юрак "Буюгимсан Ватаним", "Байроғим", "Маҳаллам", "Бекободнома" дея хитоб қилади. Ижодкорнинг яшашдан мақсадини англатадиган "Истак" шеърида шундай сатрлар бор:

*Деразамнинг олдида бир қуш*
*Ҳар тонг мароқ билан сайрайди.*
*Шу сайроқи митти қушчанинг*
*Навосидан кўнглим яйрайди.*

*Унга мен ҳам жўр бўлгим келар,*
*Куйга солиб ота маконни.*
*Қани эди шу қуш мисоли*
*Куйлай олсам Ўзбекистонни.*

Халқимиз ишқи, дарди йўқ кимсаларни ҳурмат қилмайди. Зеро, тирикликнинг зийнати бу ишқ, дард, меҳр, муҳаббатдир. Ўз миллати, эл-юртини дилдан севувчи инсон унинг қадрини баланд тутади. Ижодкорнинг ҳар бир шеърида истиқлол неъматларига шукроналик, фахр, ғурур бор:

*Байроғим, эзгулик тимсоли бўлиб,*
*Жаҳон айвонида мангу ҳилпира.*
*То дунё бор экан, башар барҳаёт,*
*Қаддингни эгмагил, эгилма сира.*

Карим Мавлоннинг истаклари беқиёс, тилакларида хосият, холислик мўл. Бу фазилатлар дилда дармон, тилда ўлан бўлиб янграйди, қалбларга истиқлол неъматларидан фахрланиш, ғурур, ифтихор туйғуларини бахш этади:

*Йўлим равон – ўзбекона,*
*Сарбон бошлар оқилона.*
*Ҳар кунимга минг шукрона*
*Мен яйрамай ким яйрасин.*

*Тарихимни тиклаб олдим,*
*Меросимни бутлаб олдим.*
*Буюкликка назар солдим*
*Мен сайрамай ким сайрасин.*

*Зукко ёшлар замонга мос,*
*Шаҳдига ҳеч йўқдир қиёс,*
*Бутун дунё қилар ҳавас,*
*Мен сайрамай ким сайрасин...*

"Ватанни севиш – имондандир" дейди Юртбошимиз. Имонли, эътиқодли халқимиз бор, мустақил Ўзбекистонимизнинг умри боқий. Карим Мавлон ҳам ўз элини, юртини севиб, ардоқловчи оташин ватанпарвар шоир. Эътиборлиси, шоирликка даъво қилмайди, ёзганларидан кўнгли тўлмайди. Аммо, ёзмаса туролмайди. Шунинг учун шеърларида шаклий мукаммалликдан кўра, мазмундорлик устун туради. Бу ҳақда муаллиф "Бекободнома" тарихий достонининг кириш қисми "Бағишлов"да шундай дейди:

*Ватан, сенга кўп шеърлар битдим,*
*Ҳеч биридан кўнглим тўлмади...*

Достоннинг "Мозийдан бир афсона", "Боболар руҳи тетик", "Бекобод"ми, "Бек авлод", "Туманнинг туғилиши", "Оғир йиллар синови", "Қоринлар тўқ, кўнгиллар эса оч эди..." ва ниҳоят "Шукроналик" деб номланган ҳар бир шеърида ўқувчи учун бирор янгиликнинг борлиги, хоҳ у ҳақиқат, хоҳ тахмин ёки афсона бўлсин, муаллифнинг ўз туғилган ери, элига бўлган меҳри, садоқатидан дарак бериб турибди...

Хуллас, Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ёзилган, "Адиб" нашриётида чоп этилган "Олтин бешигим" шеърий тўплами Карим Мавлон ижодининг ёрқин саҳифаси дейиш мумкин. Яхши ният билан амалга оширилган ҳар бир саъй-ҳаракат эзгуликка хизмат қилиши тайин.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Кўргазма

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЧА ВА БУГУНИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида рассом Нодира Орипованинг шахсий кўргазмаси очилди.**

Рассом 1976 йилда ўрта мактабни олтин медалга битириб, П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассомлик институтида устозларидан ранг-тасвир сирларини ўрганди. Республикамиздаги қатор кўргазмалар қатнашчиси. 2010 йили "Шарқ маликалари" асари билан Халқаро Тошкент биенналесида муваффақиятли иштирок этди. Ижод намуналари АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Туркия каби мамлакатлар музей ва галереяларида сақланмоқда.

Рассомнинг мазкур музейга қўйилган 50 га яқин асарларида мамлакатимиз табиати манзаралари, йил фасллари, натюрмортлар орқали юртимизнинг ширин-шакар мевалари, миллий либослардаги хотин-қизлар сиймолари ва замондошларимиз портретлари, қадимий Бухоронинг меъморий ёдгорликлари, миллий қадриятларимизни эслатувчи айрим тураржойлар акс этган. Экспозициядан ўрин олган "Ёз", "Булутли кун", "Хумсон тераклари" каби асарларда Хумсон табиати манзаралари юксак маҳорат билан тасвирланган. "Ёмғирли куз. Хумсон", "Хумсон. Куз лавҳаси", "Хумсонда куз" асарлари бирбирини тўлдириб, Хумсон ҳақида мукаммал тасаввур беради.

Кўргазма октябрь ойи ўрталаригача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Одамийлик шеваси




Асал момо одатдагидек эрта уйғонди. Аравачасини ғилдиратиб, ташқарига чиқди. Бир вақтлар ўзи эккан жийдага яқин борди. Лаблари пичирлади:

– Омонмисан жийдажоним? Йиллар ўтиб анча қарибсан. Лекин барибир сенга ҳавасим келади. Ҳар йили шиғил-шиғил ҳосил беришдан чарчамайсан. Баҳраманд бўлганлар дуо қилишади. Сенга қараб, ўтган умримни сарҳисоб қиламан.

...Асал момони қишлоғимизда ҳамма ҳурмат қилади. Ёши улуғроқлар "Раис момо" дейишади. Ҳар куни ишга кетаётиб момога салом бериб, дуосини оламан. Бугун ҳам Асал момони кўрдим. Жийда тагида ногиронлар аравачасида хаёлга чўмиб ўтирибди...

Момо урушдан кейинги оғир кунларни ўз кўзи билан кўрган. Нафақат кўрган, балки ташвишларини бошидан кечирган. Ўша йиллари колхозда раис бўлди. Кейинчалик қишлоқ оқсоқоли лавозимида кўплаб хайрли ишларга бошчилик қилди. Шундай кунларнинг бирида урушдан қўлтиқтаёқ билан қайтган Усмон "герой" қазо қилди. Буни эшитиб, Асал момонинг кўзлари намланди. Отаси вафот этганида қанчалар куюнган бўлса, шунча ўксиб йиғлади. Момога қўшилиб Мирюнус домла, Омилхон эшон, Умматали муаллимлар ҳам қишлоқнинг виждонига айланган "Герой"га ачиниб, кўзёш қилишди. Шу топда ҳаллослаб Аҳмад гўрков келиб қолди.

– Худога шукр, ҳаммангиз шу ерда экансиз. Усмон "герой"нинг оиласидагилар тонгда хабар етказишганди. Шошиб қабристонга боргандим. Эвоҳ... У ердаги аҳволни кўриб, сочим тикка бўлди. Кечаги жала яна анча жойни ювиб кетибди. Зудлик билан чора кўрмасак, эртага майитни қўядиган жой муаммога айланади.

Оқсоқол уҳ тортди. Қолганлар ҳам ер чизиб, сукут сақлашди. Мирюнус домла оппоқ соқолини силаб, Асал момога юзланди:

– Аҳмад гўрковнинг куюнишида жон бор. Собиқ оқсоқолнинг юқоридан янги қабристон учун ер сўрашга журъати етмади. Энди умидимиз сендан, бир чорасини топмасанг бўлмайди.

Қолганлар ҳам бу гапни қувватлашди.

– Райкомга ўзим бораман. Қабристон масаласини ҳал қилмагунча, тинчимайман, – деди Асал момо қатъий.

– Аҳмадвой, энди қабристонга қайтиб, Усмон "герой"га қабр қазишни бошла. Пешин намозидан кейин жаноза, – деди Мирюнус домла.

Дафн маросимига кўп одам йиғилди. "Герой"ни Қорасув дарёси яқинидаги қабристонга дафн этишди. Шундан кейин Асал момо айтганини қилди. Юқорига қатнайвериб, ниҳоят, қабристонга ер ажратишнинг уддасидан чиқди.

...Қишлоққа баҳор келди. Борлиқ гўзалликка бурканди. Бир куни кечга бориб ҳавонинг авзойи бузилди. Момақалдироқ гумбурлаб, осмонни қора булут қоплади. Аввал ёмғир шивалада, сўнг жалага айланди. Кучли ёғин туни билан тинмади. Тонгга яқин Асал момонинг эшиги тақиллади.

Момо шошиб ташқарига чиқди. Дарвоза сиртида Шермат жарчи бир аҳволда турарди.

– Вой, шўрим, тинчликми, Шерматвой? Кўринишинг бир аҳволда-ку?

– Эй, момо, ҳолимиз танг. Жала бошимизга кулфат олиб келди. Тунда Оқлиқсой устидаги кўприк оғзига катта тўнка тиқилган экан. Ҳамқишлоқлар оёққа туриб, туни билан ўша тўнкани чиқарамиз деб олишдик. Аммо уддасидан чиқолмадик. Тоғ томондан келган сел тўнкага қўшиб, кўприкни ҳам ювиб кетди.

– Ҳай-аттанг, бутун қишлоқ кўприксиз қолибди-да?

Асал момонинг бу нохуш хабардан авзойи бузилди. Шермат жарчини уйига олиб кириб, кийим-бош берди, иссиқ чой ичирди. Ёмғир тингач, биргалашиб Оқлиқсой устидаги кўприкка етиб боришди. Омилхон эшон, Мирюнус домла, Умматали муаллим ҳам шу ерда эканлар.

– Ҳа, бу кўргулик ҳам бор экан-да! Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Ҳаммамиз бирлашсак, кўприк янги бўлади.

Асал момонинг дадил гаплари йиғилганларга куч-қувват бағишлади.

– Шерматвой, ҳозироқ Хонтепага чиқиб, одамларни чорла. Ҳар бирининг қўлида иш қуроли бўлсин. Ҳашар уюштириб кўприкни қайта тиклаймиз, – деди Омилхон эшон.

– Эшон бува, энди бу ёғига ўзингиз бош-қош бўласиз. Биз Мирюнус домла, Умматали муаллим билан биргалашиб Омилбой раисга бориб, трактор сўраймиз. Тош, шағал, қум олиб келамиз. Хуллас, бу ёғи ҳашар. Ҳашардан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

– Қишлоғимиз одамларининг одати яхши. Ҳашар деса, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммаси чиқади.

Мирюнус домла бу гапларни ғурурланиб айтди. Ҳашарга сон-саноқсиз халойиқ йиғилди. Ҳар бирининг қўлида кетмон, белкурак, арра, болта. Икки-уч кунлик ҳашар билан қишлоқ кўприги қайта тикланди.

Яна бир йили момо ташаббуси билан қишлоқда янги мактаб қурилди. Чойхона, боғча, дўкон... Буларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан Асал момо бошчилигида барпо бўлди. Агар у ногирон бўлиб қолмаганида ҳали кўп ишлар қиларди.

...Бугун ҳам Асал момони кўрдим. Доимгидек ўзи эккан жийда соясида ногиронлар аравачасида хаёлга чўмиб ўтирибди...

**Латифжон МАНСУРОВ.**




## МЕКСИКАДА КУЧЛИ ПЎРТАНА

**Мексиканинг жануби-шарқий қисмига кучли пўртана ёпирилиб, қаттиқ жала ёғиши тўғрисида огоҳлантириш эълон қилинди.**

Кариб денгизида ҳосил бўлган пўртана туфайли маҳаллий ҳукумат Мексиканинг Юкатан ярим оролидаги портларни вақтинчалик ёпиб қўйди. Майда кемаларнинг денгизга чиқиши тақиқланди. Кинтана-Роо, Юкатан ва Кампече штатлари маъмуриятига аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Граждан мудофааси юксак тайёргарлик ҳолатига келтирилди. Айрим вилоятлардаги мактабларда ўқиш вақтинча тўхтатилди.



Метеорологларнинг берган маълумотига кўра, Кариб денгизида ҳосил бўлган пўртана кучли ёғинга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида сел келиши ҳамда сув тошқинлари аҳолига хавф солади. Шундоқ ҳам сентябрь ойининг ўрталарида Мексиканинг кенг ҳудудлари кучли ва тинимсиз ёғинлардан катта зарар кўрган эди. Хусусан, "Мануэль" ва "Ингрид" тўфонлари оқибатида юз берган сув тошқинлари ва ер кўчкилари туфайли 150 киши ҳалок бўлди. Уй-жой фонди ва инфратузилмаларга катта иқтисодий зарар етди.

## ГАМБИЯ ЯНГИ МУСТАМЛАКА ҲАМДЎСТЛИГИДАН ЧИҚДИ

**Гамбия ҳукумати мамлакат Миллий Ҳамдўстлик таркибидан чиққанлигини эълон қилди. AFP агентлигининг хабарига кўра, ҳукуматнинг ушбу қарори зудлик билан кучга киритилди.**

Қарорда айтиладики, "бундан буён мамлакат калониализмнинг кенгайишидан далолат берувчи бирорта неоколониаль ташкилотга аъзо бўлмайди". Ҳукумат Гамбиянинг Ҳамдўстликдан нима сабабли чиқишга қарор қилгани ҳақида маълумот бермади. Аммо, мамлакат ташқи сиёсий идораси амалдорларидан бирининг айтишича, ҳукумат Ҳамдўстликнинг мамлакат пойтахти Банжулда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга ва оммавий ахборот воситаларидаги цензурага қарши кураш бўйича комиссия тузиш ташаббусини рад этганидан сўнг, шундай қарорга келди.

Гап шундаки, Ҳамдўстлик бош котиби Камалеш Шарма Гамбияда президент Яҳё Жамме ва бошқа юқори лавозимли



амалдорлар билан учрашганидан сўнг шундай комиссия тузиш таклифи киритилган эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Гамбия президентини инсон ҳуқуқларини поймол қилиш, сиёсий мухолифатчиларни ноқонуний ҳибсга олиш ва қийнаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига босим ўтказишда кўп бор айбладилар. Умуман олганда, Гамбия ушбу Ҳамдўстликни тарк этган ягона мамлакат эмас. Уни 2009 йилда Фидже ороллари, 2003 йилда эса Зимбабве мамлакати ҳам тарк этган эди.

## ЧОРШАНБА ҚОРА КУНГА АЙЛАНДИ

**Американинг Теннеси штатида, Жефферсон-сити шаҳри яқинида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси сабабли 8 киши ҳалок бўлди, 14 киши жароҳат олди.**

Маҳаллий ҳокимият берган маълумотларга қараганда, Шимолий Каролина штатидан йўлга чиққан автобус нима сабабдандир трассада қарама-қарши томонга ўтиб кетиб, юк машинаси билан тўқнашди ва ағдарилиб кетди. Шу заҳотиёқ автобусда ёнғин бошланди. Воқеа содир бўлган жойга 20 та "Тез ёрдам" машинаси ҳамда қутқарув хизматининг 5 та вертолёти етиб келди.



ИТАР-ТАСС берган маълумотларга қараганда, айнан шу чоршанба куни Теннеси штатининг Мэмфис шаҳрида аварияга учраган йўловчи самолёт аэропортга аранг қўндирилди. Delta Airlines компаниясига қарашли самолётнинг учувчилар хонасидаги ойнада ёриқ пайдо бўлди. Авиакомпания вакилининг айтишича, 104 йўловчи ва 6 экипаж аъзоларидан ҳеч ким жабрланмади. Айни пайтда ойнада нима учун ёриқ пайдо бўлганига аниқлик киритилмоқда. Авиакомпания йўловчиларни манзилларига элтиб қўйиш учун бошқа самолёт юборди.

## САВДО МАРКАЗИДАГИ ПОРТЛАШ ҚУРБОНЛАРИ

**Кения пойтахти Найроби шаҳридаги савдо марказида кучли портлашдан сўнг қутқарувчилар вайроналар остидан 9 кишининг жасадини топишди.**

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарда келтирилишича, Кения ҳукумати Сомалининг "Аш-Шабоб" исломий гуруҳи жангарилари содир этган террорчилик акти оқибатида 67 киши ҳалок бўлганини маълум қилган эди. Ўшалардан 6 киши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бўлган. Халқаро Қизил Хоч қўмитаси Кения бўлимининг маълумотларига кўра, 39 киши бедарак йўқолган.

Маълумки, "Аш-Шабоб" жангарилари савдо марказига бостириб кириб, гаровга олинган 30 кишини тўрт кун давомида ушлаб турдилар ва қийноққа солдилар.

Телеканаллардан бири тарқатган хабарга кўра, Кения ўз аскарларини Сомалидан олиб чиқиб кетишни рад этгани учун жангарилар террорчилик ҳаракатларини фаоллаштиришни ваъда қилдилар. "Биз Кениянинг энг нозик жойларига зарба берамиз, шаҳарларини қабристонга айлантирамиз ва Найроби кўчаларида қон оқади" демоқдалар улар.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

ООО "GAZOLINE SUPPLY SERVICE" (ИНН 207098169), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 328 830 000 сум до 1 075 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 235-83-92.

Сергели туманида жойлашган тиббиёт коллежи томонидан Шерматова Дилнара Камиловна номига берилган K-N № 029833 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "RAINBOW ANGEL" (ИНН 301943416), зарегистрированное ИРСП Мирзо Улугбекского района г. Ташкента за реестр № 006436-04, 006436 от 08.04.2011г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Мирзо Улугбекская, дом 51, квартира 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 3 от 25.09.2013г.),

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: (+99890) 944-04-03.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8208. Адади 6954. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.